



FARG‘ONA VILOYATI UCHKO‘PRIK TUMANI HOKIMNING QARORI

2021 - yil 12 - oktabr

119-11-162-Q/21

Uchko‘prik tuman hokimligi

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642-сонли «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ-641-сонли «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сон Қарорига асосан туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга 2022 йилда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учкўприк туманида белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича махсус комиссиянинг таркиби 1-иловага ҳамда Учкўприк туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан тумандаги корхона, ташкилот, муассасаларда 2022 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тақсимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва кўп болали оилалар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари

учун уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун - уларнинг касблари бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлиги бўлган шахслар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

сафарбарлик чақирув захирасига киритилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

3. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминласинлар;

корхона ва ташкилотлар, 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаши, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилиши шарт;

Муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилинади.

4. Муҳтожлар учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича туман ҳокимининг қарорини бажармаган ташкилотнинг мансабдор шахсига, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2019-Б сонли буйруғига (рўйхат рақами 3163, 31 май 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

6. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Д.Далиев) беш кун муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

7. Белгилансинки, ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 815-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Асқаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Махмудалиев

Учкўприк туман ҳокимининг
2021 йил 12 октябрдаги
119-11-162-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Учкўприк туманида белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг
энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича
махсус комиссиянинг**

ТАРКИБИ

| | | |
|----|--------------|---|
| 1. | А.Асқаров | Комиссия раиси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари |
| 2. | М.Ҳамидов | Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Учкўприк туман бўлими бошлиғи |
| 3. | А.Сотволдиев | Туман ИИБ бошлиғи |
| 4. | С.Азизов | Туман муҳофаа ишлари бўлими бошлиғи |
| 5. | Б.Орипов | Туман тиббиёт бирлашмаси бош врач |
| 6. | Д.Далиев | Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази директори |

*Изоҳ: Комиссия таркибидаги раҳбарлар бошқа ишга ўтган
тақдирда ўрнига тайинланган раҳбар аъзо ҳисобланади.*

Учқўприк туман ҳокимининг
2021 йил 12 октябрдаги
119-11-162-Q/21-сон қарорига
2-илова

Учқўприк туман Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази томонидан тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасаларда 2022 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш

ТАҚСИМОТИ

| № | Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш тақлиф этилаётган қорхона ва ташкилотлар рўйхати (қорхона ва ташкилотларнинг номи) | Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони | Келгуси йилга захирага қўйиш тақлиф этилаётган иш ўринлари сони | шу жумладан: | | | | | | |
|----|--|---|---|--|--|---|--|--|--|---|
| | | | | Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва қўп болали оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони | Сафарбарлик чакирик захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига қўра тиббий ҳолатдаги мажбурий чоралар қўрилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони |
| А | В | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1 | 18-умумий ўрта таълим мактаби | 61 | 6 | | 4 | | 2 | | | |
| 2 | 46-умумий ўрта таълим мактаби | 60 | 6 | 1 | 3 | | 2 | | | |
| 3 | 15-умумий ўрта таълим мактаби | 83 | 8 | | 6 | | 2 | | | |
| 4 | 29-умумий ўрта таълим мактаби | 86 | 9 | 1 | 5 | | 3 | | | |
| 5 | 37-умумий ўрта таълим мактаби | 83 | 8 | | 6 | | 2 | | | |
| 6 | 28-умумий ўрта таълим мактаби | 103 | 10 | 1 | 6 | | 3 | | | |
| 7 | 17-умумий ўрта таълим мактаби | 78 | 7 | 1 | 4 | | 2 | | | |
| 8 | 12-умумий ўрта таълим мактаби | 121 | 12 | 1 | 7 | | 4 | | | |
| 9 | 8-умумий ўрта таълим мактаби | 120 | 12 | 1 | 7 | | 4 | | | |
| 10 | 23-умумий ўрта таълим мактаби | 64 | 6 | 1 | 3 | | 2 | | | |
| 11 | 13-умумий ўрта таълим мактаби | 80 | 7 | 1 | 4 | | 2 | | | |
| 12 | 51-умумий ўрта таълим мактаби | 39 | 4 | | 3 | | 1 | | | |
| 13 | Болалар ва ёшмирлар спорт мактаби | 66 | 6 | 1 | 3 | | 2 | | | |
| 14 | 40-умумий ўрта таълим мактаби | 48 | 4 | 1 | 2 | | 1 | | | |
| 15 | 11-умумий ўрта таълим мактаби | 71 | 7 | 1 | 4 | | 2 | | | |
| 16 | 19-умумий ўрта таълим мактаби | 98 | 10 | | 6 | | 3 | 1 | | |
| 17 | 14-умумий ўрта таълим мактаби | 72 | 7 | 1 | 4 | | 2 | | | |
| 18 | 31-умумий ўрта таълим мактаби | 60 | 6 | | 4 | | 2 | | | |
| 19 | 2-ИДУМИ | 70 | 7 | 1 | 4 | | 2 | | | |
| 20 | 9-умумий ўрта таълим мактаби | 113 | 11 | | 7 | | 3 | 1 | | |
| 21 | 33-умумий ўрта таълим мактаби | 64 | 6 | | 4 | | 2 | | | |
| 22 | 3-умумий ўрта таълим мактаби | 78 | 7 | | 5 | | 2 | | | |
| 23 | 21-умумий ўрта таълим мактаби | 127 | 13 | | 8 | | 4 | 1 | | |
| 24 | 2-умумий ўрта таълим мактаби | 70 | 7 | 1 | 4 | | 2 | | | |

| | | | | | | | | |
|----|--|------|-----|---|-----|----|---|---|
| 25 | 34-умумий ўрта таълим мактаби | 61 | 6 | | 4 | 2 | | |
| 26 | 41-умумий ўрта таълим мактаби | 42 | 4 | | 3 | 1 | | |
| 27 | 30-умумий ўрта таълим мактаби | 54 | 6 | | 4 | 2 | | |
| 28 | 5-умумий ўрта таълим мактаби | 123 | 12 | | 8 | 4 | | |
| 29 | 45-умумий ўрта таълим мактаби | 50 | 5 | 1 | 2 | 2 | | |
| 30 | 1-умумий ўрта таълим мактаби | 81 | 7 | | 5 | 2 | | |
| 31 | 50-умумий ўрта таълим мактаби | 53 | 6 | | 4 | 2 | | |
| 32 | 49-умумий ўрта таълим мактаби | 40 | 4 | | 3 | 1 | | |
| 33 | 16-умумий ўрта таълим мактаби | 55 | 6 | 1 | 3 | 2 | | |
| 34 | 32-умумий ўрта таълим мактаби | 77 | 7 | | 5 | 2 | | |
| 35 | 35-умумий ўрта таълим мактаби | 70 | 7 | | 5 | 2 | | |
| 36 | 26-умумий ўрта таълим мактаби | 91 | 9 | | 6 | 3 | | |
| 37 | 20-умумий ўрта таълим мактаби | 143 | 14 | | 9 | 4 | 1 | |
| 38 | 27-умумий ўрта таълим мактаби | 75 | 7 | 1 | 4 | 2 | | |
| 39 | 47-умумий ўрта таълим мактаби | 60 | 6 | 1 | 3 | 2 | | |
| 40 | 10-умумий ўрта таълим мактаби | 120 | 12 | | 8 | 4 | | |
| 41 | 48-умумий ўрта таълим мактаби | 49 | 4 | | 3 | 1 | | |
| 42 | 24-умумий ўрта таълим мактаби | 80 | 7 | 1 | 4 | 2 | | |
| 43 | 22-умумий ўрта таълим мактаби | 79 | 7 | | 5 | 2 | | |
| 44 | 43-умумий ўрта таълим мактаби | 70 | 7 | | 5 | 2 | | |
| 45 | 4-умумий ўрта таълим мактаби | 95 | 9 | 1 | 4 | 3 | 1 | |
| 46 | 38-умумий ўрта таълим мактаби | 70 | 7 | 1 | 4 | 2 | | |
| 47 | Халқ таълими бўлими | 64 | 6 | 1 | 3 | 2 | | |
| 48 | 39-умумий ўрта таълим мактаби | 50 | 5 | | 3 | 2 | | |
| 49 | 36-умумий ўрта таълим мактаби | 84 | 9 | | 6 | 3 | | |
| 50 | 1-ИДУМИ | 91 | 9 | | 6 | 3 | | |
| 51 | Мактабгача таълим бўлими | 35 | 3 | | 2 | 1 | | |
| 52 | 6-умумий ўрта таълим мактаби | 90 | 9 | 1 | 5 | 3 | | |
| 53 | 7-умумий ўрта таълим мактаби | 72 | 7 | | 5 | 2 | | |
| 54 | 42-умумий ўрта таълим мактаби | 29 | 3 | | 2 | 1 | | |
| 55 | 24-мактабгача таълим муассасаси | 34 | 3 | | 2 | 1 | | |
| 56 | 25-умумий ўрта таълим мактаби | 58 | 6 | 1 | 3 | 2 | | |
| 57 | Туман тиббиёт бирлашмаси | 1952 | 190 | | 130 | 59 | 1 | |
| 58 | 20-сон болалар мусика ва санъат мактаби | 90 | 9 | | 6 | 3 | | |
| 59 | 44-умумий ўрта таълим мактаби | 49 | 4 | 1 | 2 | 1 | | |
| 60 | Комунал хизмат ободонлаштириш бўлими | 219 | 22 | | 13 | 7 | | 2 |
| 61 | 52-умумий ўрта таълим мактаби | 45 | 4 | 1 | 2 | 1 | | |
| 62 | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими | 24 | 3 | | 2 | 1 | | |
| 63 | 53-умумий ўрта таълим мактаби | 45 | 4 | 1 | 2 | 1 | | |
| 64 | 2-сон касб хунар мактаби | 55 | 4 | | 2 | 2 | | |
| 65 | 54-умумий ўрта таълим мактаби | 51 | 5 | 1 | 2 | 2 | | |
| 66 | 55-умумий ўрта таълим мактаби | 85 | 9 | | 6 | 3 | | |
| 67 | 14-мактабгача таълим муассасаси | 28 | 3 | 1 | 1 | 1 | | |
| 68 | Санитария-эпидемиологик ўсойишталик маркази | 70 | 7 | | 5 | 2 | | |

| | | | | | | | | | | |
|-----|------------------------------------|------|-----|----|-----|---|-----|---|---|---|
| 69 | Маданият ва аҳоли дам олиш маркази | 49 | 4 | 1 | 2 | 1 | | | | |
| 70 | "БАРКАМОЛ АВЛОД" болалар маркази | 54 | 6 | | 4 | 2 | | | | |
| 71 | 26-мактабгача таълим муассасаси | 29 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 72 | 34-мактабгача таълим муассасаси | 32 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 73 | 3-мактабгача таълим муассасаси | 46 | 4 | 1 | 2 | 1 | | | | |
| 74 | 27-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 75 | 28-мактабгача таълим муассасаси | 34 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 76 | 15-мактабгача таълим муассасаси | 47 | 4 | 1 | 2 | 1 | | | | |
| 77 | 21-мактабгача таълим муассасаси | 39 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 78 | 17-мактабгача таълим муассасаси | 43 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 79 | 19-мактабгача таълим муассасаси | 39 | 4 | 1 | 2 | 1 | | | | |
| 80 | 39-мактабгача таълим муассасаси | 34 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 81 | 20-мактабгача таълим муассасаси | 31 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 82 | 8-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 83 | 13-мактабгача таълим муассасаси | 48 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 84 | 29-мактабгача таълим муассасаси | 28 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 85 | 11-мактабгача таълим муассасаси | 39 | 4 | 1 | 2 | 1 | | | | |
| 86 | 18-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 87 | 9-мактабгача таълим муассасаси | 69 | 7 | | 5 | 2 | | | | |
| 88 | 25-мактабгача таълим муассасаси | 39 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 89 | 2-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 90 | 32-мактабгача таълим муассасаси | 26 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 91 | 16-мактабгача таълим муассасаси | 42 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 92 | 38-мактабгача таълим муассасаси | 32 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 93 | 5-мактабгача таълим муассасаси | 63 | 6 | | 4 | 2 | | | | |
| 94 | 23-мактабгача таълим муассасаси | 53 | 6 | | 3 | 2 | 1 | | | |
| 95 | 31-мактабгача таълим муассасаси | 51 | 5 | 1 | 2 | 2 | | | | |
| 96 | 35-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 97 | 10-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 98 | 37-мактабгача таълим муассасаси | 38 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 99 | 36-мактабгача таълим муассасаси | 26 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 100 | 6-мактабгача таълим муассасаси | 37 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 101 | 33-мактабгача таълим муассасаси | 35 | 3 | | 2 | 1 | | | | |
| 102 | 7-мактабгача таълим муассасаси | 38 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 103 | 1-мактабгача таълим муассасаси | 61 | 6 | 1 | 3 | 2 | | | | |
| 104 | 22-мактабгача таълим муассасаси | 46 | 4 | | 3 | 1 | | | | |
| 105 | 12-мактабгача таълим муассасаси | 38 | 4 | 1 | 2 | 1 | | | | |
| | жами: | 8369 | 812 | 43 | 509 | 0 | 251 | 7 | 2 | 0 |